

Бухоро вилоятидаги 3,5 км йўл буткул янгиланди



Шу кунларда йўлсозлар томонидан – қадим Бухоро шаҳридан аэропортга олиб борадиган 3 ярим километрлик йўл бутунлай янгиланиб, фойдаланишга топширилди.



Тўла таъмирланган мазкур объектнинг расмий номи: 4Р-69 "А" "Бухоро ш. – Бухоро паррандачилик фабрикаси – 41-темир йўл бекати – Тўдакўл даҳаси – Навоий ш." автомобиль йўлидан – Бухоро аэропортида олиб борадиган йўлнинг 0-3 километрлари оралиғидир.

Буюртмачи – Автомобиль йўллари қўмитаси тасарруфида бўлган "Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК, лойиҳачи ташкилот – "Йўл-лоижҳа бюроси" МЧЖ, пудратчи эса – "Бухоро йўл қурилиш таъмирлаш" корхонаси ҳисобланади.



Умумий узунлиги 3 ярим километр ҳисобланган мазкур 4 полосали йўл икки томонлама қатнов қисмига эга бўлиб, кенглиги 14 метрни ташкил этади.



Таъмиранган йўлда – тўлик равища ёритиш чироқлари ва суғориш тизимлари ҳам ўрнатилди.

Автомобиль йўллари қўмитаси

матбуот хизмати